

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

Файзиев Мирхамид Гафурович

УзМу Харбий тайёргарлик укув маркази бошлигининг

укув ишлари буйича уринбосари подполковник

XXI асрнинг глобаллашув ва кескин рақобат даврида, дунёнинг турли қисмларида, айниқса Осиё минтақасида юз бераётган қуролли можаролар, таҳдид ва хатарлар олдимизга зудлик билан ҳал қилиниши керак бўлган муҳим вазифаларни қўймоқда. Зеро бугунги глобаллашув шароитида инсон онги ва қалбини забт этиш учун курашлар кескин тус олаётган бир даврда халқаро майдонда ёшларни ҳар қандай хавф ва таҳдидлардан асраш, уларнинг мустақил фикри, эътиқодини ва қатъий ҳаётий позициясини шакллантириш энг муҳим ва кечиктириб бўлмас вазифалардан бири бўлмоқда.

Ҳар қандай ишда ватанпарварлик ҳисси намоён бўлиши керак, ватанпарварлик инсоннинг ўз Ватани, миллати ва давлатига нисбатан бўлган муҳаббат, садоқат ва ҳурмат туйғулари ифодаси ҳисобланади. У нафақат тарихий ёки маданий меросни кадрлаш, балки келажак авлодлар учун тинч ва фаровон ҳаёт яратишга бўлган масъуллиқни ҳис қилиш билан ҳам боғлиқ.

Ёш авлод – жамиятнинг келажаги, унинг мустақамлиги ва ривожланишида асосий ўрин эгаллайди. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш орқали уларга миллий қадриятларни сингдириш, уларни Ватанга, миллатга содиқ бўлишга, ўз мажбуриятларини бажаришга тайёр қилиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Ватанпарварлик тарбияси ёшларни фақатгина Ватани ҳимоя қилиш учун эмас, балки жамиятда ижтимоий фаоллик кўрсатишга, маданий ва маънавий юксалишга ундайди.

Ҳарбий-ватанпарварлик — бу ёшларни нафақат Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, балки уларни ҳар қандай хавф-хатар олдида юртини ҳимоя қилишга тайёрлаш демакдир, бу тушунча, Ватан ҳимояси йўлида маълум билим ва кўникмаларни эгаллаш, жисмоний ва руҳан тайёр бўлишни англатади. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ёшларни ҳарбий интизом, фидойилик, жасорат ва мардлик каби хислатлар билан бойитади, уларни нафақат тинчлик даврида, балки фавқулодда вазиятлар вақтида ҳам миллий манфаатларни ҳимоя қилишга ундайди.

«2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да ҳам бу масала алоҳида ўз аксини топди. Жумладан, ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қуйидаги устувор вазифалар белгиланган еди:

- жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

- ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

- ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш.

Шунинг учун, ёшларда ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш давр талаби бўлиб йилдан йилга ушбу талабларни такомиллаштириш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги “Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4375-сон қарори билан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир ишлар самарадорлигини ошириш ва фаоллаштириш, бу борадаги таълим-тарбиявий ишларга мамлакатимиз фуқароларини, давлат ва нодавлат, нотижорат ташкилотларини ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада фаол жалб этиш ва ёшлар онгига ватанпарварлик, мардлик туйғуларини сингдириш мақсадида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси тасдиқланган. Мазкур Концепцияда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялашга оид яхлит таълим-тарбия тизимининг узвий ва ажралмас қисми сифатида қаралиб, Ўзбекистон ҳаётидаги реал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Концепциянинг асосий мазмунини Она-Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг шуҳратини дунёга тараннум этиш билан боғлиқ энг муҳим тушунчалар, ҳаётий ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат асосида ёшларнинг қалби ва онгига илк болалик давридан бошлаб сингдириб бориш орқали Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвар фуқароларини тарбиялаш ташкил этади.

Бугунги кунда ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг асосий мақсади – ёшлар қалбида Ватанга бўлган чуқур меҳр ва содоқатни шакллантиришдир, бу эса Ватаннинг буюклигини англаш, унинг тарихий ва маданий меросини қадрлаш орқали юзага келади.

Ёшлар Ватан ҳақидаги билимларни ўзлаштираркан, уларни миллий қадриятлар, аجدодларимизнинг мардлик ва жасоратлари илҳомлантиради. Бундан ташқари, ватанпарварлик ёшларда фуқаролик бурчи, шахсий масъулият

ҳисси, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини, фаол ҳаётӣй позиция ва қатъӣй эътиқодини, касбӣй маҳоратини шакллантирадиган қудратли воситадир. Бундан унумли фойдаланган ҳолда ёшларимизда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, Она-юрт тақдири учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларни ўз касбига садоқатли ва ҳар томонлама етук кадрлар этиб тарбиялаш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўришимизни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 23-февралдаги 140-сон қарорига биноан “Ёшларни ҳарбӣй-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепсияси” ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу концепциянинг 2-бобида Ёшларни ҳарбӣй-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсади ва асосий вазифалари аниқ белгилаб кўйилган. Ёшларни ҳарбӣй-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсади ёшларда жамиятнинг турли тармоқлари, айниқса, ҳарбӣй соҳа билан алоқадор бўлган давлат хизмати турларида фаоллик кўрсатиш, тинч ва ҳарбӣй шароитда Конституция ва ҳарбӣй бурчга садоқатли бўлиш, уларда ўз юрти ва халқи тақдири учун юксак масъулият ва жавобгарлик каби муҳим хусусиятларни шакллантиришдан иборат. Ушбу Концепцияга мувофиқ ёшларни ҳарбӣй-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдириш;

- қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончни кучайтириш;

- миллий армиямизга жисмонан бақувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбӣй хизмат ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун муқаддас бурч экани ҳақидаги тушунчани ҳамда бу борадаги назарӣй-амалӣй кўникмаларни мустаҳкамлаш;

- ёшларда ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш кўникмаларини, турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш;

- ҳар қандай мураккаб вазиятларда тезкор ва мустақил қарор қабул қилиш, замонавий ҳарбӣй-техника воситаларидан самарали фойдаланиш малакасига эга ёшларни тарбиялаш;

- Ўзбекистон манфаатларини нафақат ҳарбӣй соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш — бу

бугунги кун талаби эканини ҳаётӣ мисоллар ва таъсирчан воситалар орқали ёшлар онгига сингдириб бориш.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023-йил 29-июнь кундаги ВМҚ-267-сонли Қарори қабул қилинган бўлиб, унда 2023 — 2027 йилларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш концепцияси ҳамда ушбу концепцияни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланган. Концепциянинг 6-бандига мувофиқ, Концепциянинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгушуурига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканлигини чуқур сингдириш;

- буюк тарихимиз, улуғ аجدодларимизнинг бой маънавий мероси, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби саркардаларнинг жаҳон сивилизацияси ҳамда ҳарбий санъат ривожига қўшган ҳиссаларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш;

- Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз кўрсатган ватанпарварлик ва қаҳрамонлик, улардаги садоқат, фидойилик, матонат ҳамда жасорат каби хислатларни, шунингдек, юрт, оила, ота-она ва фарзандлар ҳимояси, халқ ва аجدодлар хотираси олдида муқаддас бурч эканини ёшлар онгига сингдириш;

- ёшларда ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш кўникмаларини, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи бузғунчи ғояларга қарши соғлом дунёқарашни шакллантириш;

- ҳудудларда ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари ҳамда «Жасорат мактаби» номли ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йиғинларини ўтказиш орқали ёшлар онгида миллий армиямизга бўлган ишонч ва ҳурматни янада ошириш, ҳарбий хизматни ўташ Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчи эканлиги ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш;

- умумтаълим мактабларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитилишининг сифатини ошириш, ўқув-моддий базани мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратиш, ҳамда шу орқали ўқувчи ёшларда ҳарбий хизмат, уни ўташнинг ҳуқуқий асосларига оид билимлар ва бошланғич ҳарбий тайёргарлик даражасини ошириш;

- Ўзбекистон манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш — бу

бугунги кун талаби эканини ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар орқали ёшлар оммасига кенг етказиш;

- ёшларда аجدодларимиз ва ота-боболаримизнинг Ватанни ҳимоя қилишга оид анъана ва қадриятларига садоқатли бўлиш хусусиятларини шакллантириш;

- Ватанни ҳимоя қилиш, уни асраш тўғрисидаги замонавий тушунчаларни, дунёқарашни, мазкур масала бўйича шахсий эътиқодни шакллантириш ва мустақамлаб бориш, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларнинг маънавий-руҳий тайёргарликларини оширишга ёрдам берувчи таълим-тарбиявий тадбирларни ташкил этиш.

Маълумот ўрнида Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари қуйидаги беш босқичда амалга оширилади:

биринчи босқич (3 – 7 ёшдагилар) шу ёшдаги болаларга хос хусусиятлар, жумладан, илк ўз туйғуларини, хатти-ҳаракатини бошқариш кўникмалари, шахсий фазилатлари асослари, ижтимоий мотивлар ва миллий анъаналарга қизиқишларининг пайдо бўлиши, ўзини намоён этиш ҳамда муваффақиятга эришиш каби эҳтиёжларини инobatга олиб, мактабгача таълим ташкилотларида ўтказилади. Мазкур босқичда болалар билан миллий ғурур, меҳнатсеварлик, Ватанга муҳаббат ва уни ҳимоя қилиш, давлат рамзлари, буюк аجدодларимиз, тарихий обидаларимизга ҳурмат, ўзаро ёрдам, меҳрибонлик каби олижаноб фазилатларни шакллантиришга қаратилган шеър, эртак, куй ва кўшиқларни, спорт ва миллий ўйинларни ўргатиш, театрлаштирилган сахна томошаларини намоёйиш этишни ўзида мужассам этган тадбирлар ўтказилади;

иккинчи босқич (7 – 10 ёшдаги болалар) тадбирлар умумтаълим ва ихтисослаштирилган таълим ташкилотларининг кичик синфларида, шунингдек, ушбу тоифадаги ёшларнинг ёш хусусиятларини инobatга олган ҳолда маҳаллаларда ўтказилади. Ушбу босқичда фахрланиш ҳамда Ватан ва давлат рамзларига муҳаббат, ёши катталарга ҳурмат ва иззат билан муносабатда бўлиш ҳамда миллий одат ва анъаналарни қадрлаш туйғуларини сингдириш, Ўзбекистон Республикасига дахлдорликдан фахрланиш ҳиссини ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар ўтказилади;

учинчи босқич (11 – 17 ёшдаги ўсмирлар) тадбирлар умумтаълим ва ихтисослаштирилган таълим ташкилотларининг катта синфларида, шунингдек, ушбу тоифадаги ёшларнинг ёш хусусиятларини инobatга олган ҳолда маҳаллаларда ўтказилади. Ушбу босқичда асосий эътибор ёшларда ҳарбий хизматга бўлган қизиқишни, Қурулли Кучларимиз билан фахрланиш туйғусини ошириш, жисмоний қобилиятларни ривожлантириш, уларни жисмонан соғлом, маънан етук, кенг дунёқарашли, мустақил фикр юритадиган баркамол инсон сифатида тарбиялаш, шунингдек, ёшларни «Ватан таянчи» болалар-ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати фаолиятига кенг жалб этишга қаратилади;

тўртинчи босқич (18 – 21 ёшдагилар) олий таълим муассасаларининг талабалари, уюшмаган ёшлар, муддатли ҳарбий хизматчилар, контракт бўйича ҳарбий хизматга янги чақирилган ҳарбий хизматчилар, олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари, шунингдек, меҳнат жамоаларида фаолият олиб бораётган ёшларни қамраб олади. Ушбу босқичда асосий эътибор ёшларнинг жисмоний ва маънавий қобиляти, етакчилик кўникмалари ва интеллектуал салоҳияти, умумий ва профессионал малакасини ошириш, уларни ўз устида мунтазам ишлаш, соғлом ҳаёт кечиришга ундаш ва шунга эришишга қаратилади. Муддатли ҳарбий хизматчилар, контракт бўйича ҳарбий хизматга янги чақирилган оддий аскарлар ҳамда олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари иштирокидаги тадбирлар Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг режа ва дастурлари асосида амалга оширилади;

бешинчи босқич (22 – 30 ёшдаги ёшлар) тадбирлар маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар, меҳнат жамоаларида фаолият олиб бораётган ёшлар, шунингдек, шартнома бўйича ёш оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибини қамраб олади. Якуний босқичда асосий эътибор юқори даражадаги ижтимоий фаоллик, фуқаролик масъулияти, маънавиятни оширишга, ижобий қадрият ва хислатларга эга ҳамда уларни мамлакат манфаатлари, давлатни мустаҳкамлаш, унинг ҳаётий муҳим эҳтиёжлари ва барқарор ривожланишини таъминлаш йўлидаги яратувчанлик жараёнида намоён эта оладиган фуқароларни шакллантиришга қаратилади.

Дарҳақиқат, бугун биз ёшларда ватанпарварлик туйғуси тубзамирида миллатпарварлик, бурчга садоқат, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини, эътиқодини, ҳарбий-касбий маҳоратини шакллантириш мамлакатимизда қудратли восита ҳисобланади. Хулоса қилиб этганда, ёшларимиз онгу-шуурида ватанпарварлик, миллатпарварлик руҳи билан бир қаторда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, Она-юрт тақдири учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, комил инсонни шакллантириш, уларни ўз касбига садоқатли ва ҳар томонлама етук кадрлар этиб тарбиялаш бўйича аниқ режа асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Зеро бугунги глобализм шароитида инсон онги ва дунёқарабини забт этиш учун “юмшоқ куч” орқали курашлар кескин тус олаётган бир даврда дунё ёшларни, шу жумладан, ватандошларимизни ҳар қандай хавф ва таҳдидлардан асраш, уларнинг мустақил фикри, эътиқоди ва дунёқарабини шакллантириш энг долзарб ва кечиктириб бўлмас устивор вазифалардан бир бўлмоқда.